



ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 29 СЕНТЯБРЬ, ЖУМА • СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА • № 40 (586) • www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ АРАФАСИДА

Юртимизда 1 октябрь — Ўқитувчи ва мураббийлар байрамига қизғин ҳозирлик кўрилатган шу кунларда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан пойтахтимизга таширғил буюрган бир гуруҳ илғор ўқитувчилар, педагог ва мураббийлар, фахрий муаллимлар Мустақиллик майдонидаги Мустақиллик ва эзулик монументи пойига гул қўйди.

— Умумхалқ байрами тантаналари доирасидаги тадбирларнинг ана шундай хайрли ишдан бошланганидан барчамизнинг қалбимиз фахр ва ҳаяжонга тўлди, — деди Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси Замирахон Солиева ўза муҳбирга. — Зеро, бу майдон аждодларимиз асрлар мобайнида орзу қилган, бугунги авлодларга кўриш насиб этган энг улуғ ва азиз неъмат — истиқлолимиз рамзидир.

— Ёш авлоднинг таълим-тарбияси, биз, ўқитувчиларга кўрсатилаётган ушбу эътибор ва ғам-хўрлик юртимизда амалга оширилаётган ҳар бир яратувчилик ва бунёдкорлик ишларида ўз ифодасини топмоқда, — деди Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги 25-мактаб ўқитувчиси Илхом Сайфиёв. — Фарзандларимизни кўрса-



тилаётган бундай ғамхўрликнинг қадрига етишга ўргатишимиз, юртимиз мустақиллигини янада мустаҳкамлашимиз, педагогларга бўлган юксак эътиборга ҳалол ва фидойи меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз лозим.

— Мустақиллик майдони янада кўркамлашиб, барчамиз учун муътабар масканга айланди, — деди Ўзбекистон Қашқадарё вилояти Мажлис Сенатининг аъзоси, Хивадаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. — Ўқувчилар қал-

бида ўзбек давлатчилиги тарихига ҳурмат, миллий истиқлол гоёларига садоқат, умрбоқий анъаналаримизга муҳаббат руҳини синдиришда маъруза майдонининг ўрни ва тарбиявий аҳамияти бекиёс. Шу боис «Ватан туйғуси», «Миллий гоё ва маънавият асослари», «Одобнома» каби дарсларни айнаш шу муаззам майдон тарихи ва бугунги билан боғлиқ ҳолда ўтказиш ёшлар билими ва тафаккурининг янада болишида, фанларни ўзлаштиришда муҳим

омил бўлмоқда.


Пойтахтимизда ўтажак байрам тантаналарига таширғил буюрган ўқитувчи ва мураббийлар Ўзбекистон тарихи давлат музейи, Темур-ийлар тарихи давлат музейи, «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи, кўргазма заллари, санъат қошоналарини томоша қилдилар, шуларнинг айнаш шу муаззам майдон тарихи ва бугунги билан боғлиқ ҳолда ўтказиш ёшлар билими ва тафаккурининг янада болишида, фанларни ўзлаштиришда муҳим

Назозат УСМОНОВА,
Ўза муҳбири

Ифтихор

“КОНИГИЛ-МЕРОС” — ТИКЛАНАЁТГАН ҚАДРИЯТ

ёки бундан 12 аср муқаддам жаҳонро шухрат топган
Самарқанд қотузи қайта кашф этилгани ҳусусида



Самарқанд шаҳридан чиқаре-ришдаги қадим Обишхад ари-рининг ёнида қадим қурилган бу қорхонанинг доғруғи бугун олис мамлакатларга тарқалиб, юзлаб хорижий сайёҳларни, тарихнавис олимларни ўзига жалб этмоқда. У хатто қўна Самарқанднинг асосий туристик йўналишларидан бири сифатида махсус хараитага ҳам киритилган. ЮНЕСКО ва Япониянинг “Жайка” халқаро ҳамкорлик агентлиги махсус экспертлари бу ерга ташриф буюриб зарур ҳулосалар билдиришган.

Хўш, шаҳар чеккасидаги Кони-гил қишлоғида жойлашган бу муъжазгина қорхонага бунчалик қизиқиш, эътиборнинг боиси нимада?

Ган шундаки, ўз атрофида Самарқанднинг энг машҳур ижод-кор усталарини бирлашган “Кони-гил-Мерос” қорхонаси ўтмиш меросини тиклаш борасида халқ-ро аҳамиятга молик ишга жазм этди. Яъни бундан 12 аср муқад-дам ишлаб чиқарилган, аммо за-монлар ўтиши билан унутиб

қўйилган дунёга машҳур Самарқанд қорхонаси қайта тайёрлашни ўзлаш-тирди.

— Дунёда қорғоз саноати жадал ривожланаётган бир шароитда биз-нинг саъй-ҳаракатларимиз эътибор-га молик эмасдек туюлиши мумкин, — дейди қорхона раҳбари Зариф Мухторов. — Бироқ чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак қорғоз тайёрлашда эски технологияни ўзлаштирганимиз тарих олдидики, маданий-илмий ме-росни тиклаш борасидаги улуғ воқеа бўлди. Чунки ўтмишнинг бебаҳо би-тиклари айна шундай қорғозларга ёзи-либ, асрлар оша бизгача етиб кел-ган. Демак, сифат жиҳатидан бе-баҳо. Самарқанд қорғозини ҳеч қандай кимёвий усулларсиз оддий даракт пўстлогидан ишланганлиги билан ҳам яна неча асрлар авлодларимизга хиз-мат қилиши мумкин.

Дарвоқе, ҳозир уч хилдаги шун-дай қадимий қорғоз тайёрлаш йўлга қўйилган. Бундай қорғозларга мини-аторачи рассомлар, эски кўлэзма қишлоқлари таъмирловчи хатотлар томонидан аллақон талабномалар тушмоқда. Лекин қорхона раҳбари-нинг таъкидлашича, асосий мақсад

бизнесни ривожлантириш эмас, балки гоёт қийинчилик билан қўлда бажариладиган бу ишни оммалаш-тиришдан иборат.

Юқорида таъкидлаганимиздек, “Кони-гил-мерос” Обишхад ан-хорининг ёқасида жойлашган. Унинг дастхоналарини тегиримон пар-рақлари ҳаракатга келтиради. Бун-дан 12 аср муқаддам худди шу анхор ёқаларида унлаб қорғоз қор-хоналари қурилган ва Буюк Ипак йўлидан ўтган қорғонлар унинг мах-сулотини дунё мамлакатларига олиб кетишган. Эндиликда Ипак йўли-даги қадим алоқаларни тиклаш ба-рорарида Самарқанд қорғозининг қайта кашф этилиши нур устига аъло нур бўлди. Шу боис ЮНЕСКО ва Япониянинг “Жайка” халқаро ҳамкорлик агентлиги қорхонага махсус грант ажратди. Унга муво-фик, ҳунарманд усталар қорғоз қуриладиган, текислайдиган уску-налар олишди. Шарқ маданий ме-росининг йирик тарқатқичи, маш-хур олимпиа Тереза Вебар хоним бу ерга ташриф буюрганида усталар-нинг маҳоратини диддан олқишла-ди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатига Самарқанддангидек қорғозни ибти-дий аммо, гоёт нафис чиқарила-ганини учратмадик, деди у.

Бундан ташқари, “Кони-гил-Ме-рос” қорхонасига қисқа вақтда Гре-ция, Япония, Франция, Нидерлан-дия, Австрия, Германия, Жанубий Корея сингари мамлакатлардан кўплаб сайёҳлар, мутахассислар та-ширғил буюришди. Демак, ўтмиш ало-қаларини тиклашга бугун ҳам ма-нафатдорлик билан ёндашилмоқда. Шундай эзгу ният билан иш юрита-ётган “Кони-гил-Мерос”нинг қада-млари янада дадил, келажоғи ойдин бўлишига шубҳа йўқ.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” муҳбири

Партия кўзгуси

ЭКСПЕРТЛАР ГУРУҲИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

вақти келди ва бу гуруҳ партия олиб бораётган сиёсий тадбирларни мувофиқлаштириши,
жисдий таҳлил этиб боради, дея таъкидланди Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасининг наватдаги йиғилишида

Йиғилишда бир неча масалалар муҳокама этилди. Хусусан, Ижроия қўмитасининг фаолият йўналишлари бўйича бажариладиган ишлар тўғрисида Ижроия масъул аъзоларининг маъ-рузалари тингланди.

Партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Дилором Тошмуҳа-медованинг фикрича, ўтган давр мо-байнида партия фаолиятида жиддий ўзгаришлар кўзга ташланди. Партия аъзолари сафи тобора кенгайиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий фа-роновлиги йўлида қўлаб хайрли тад-бирлар амалга оширилди. Бир сўз билан айтганда, партия ўз фаолияти-ни фақат қорғозда эмас, амалда кўр-са-улотини дунё мамлакатларига олиб кетишган. Эндиликда Ипак йўли-даги қадим алоқаларни тиклаш ба-рорарида Самарқанд қорғозининг қайта кашф этилиши нур устига аъло нур бўлди. Шу боис ЮНЕСКО ва Япониянинг “Жайка” халқаро ҳамкорлик агентлиги қорхонага махсус грант ажратди. Унга муво-фик, ҳунарманд усталар қорғоз қуриладиган, текислайдиган уску-налар олишди. Шарқ маданий ме-росининг йирик тарқатқичи, маш-хур олимпиа Тереза Вебар хоним бу ерга ташриф буюрганида усталар-нинг маҳоратини диддан олқишла-ди. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатига Самарқанддангидек қорғозни ибти-дий аммо, гоёт нафис чиқарила-ганини учратмадик, деди у.

Бундан ташқари, “Кони-гил-Ме-рос” қорхонасига қисқа вақтда Гре-ция, Япония, Франция, Нидерлан-дия, Австрия, Германия, Жанубий Корея сингари мамлакатлардан кўплаб сайёҳлар, мутахассислар та-ширғил буюришди. Демак, ўтмиш ало-қаларини тиклашга бугун ҳам ма-нафатдорлик билан ёндашилмоқда. Шундай эзгу ният билан иш юрита-ётган “Кони-гил-Мерос”нинг қада-млари янада дадил, келажоғи ойдин бўлишига шубҳа йўқ.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” муҳбири

корлик ўрнатилган эса-да, бундан етар-лича фойдаланиш, деб бўлмади. Йи-ғилишда қўрилган ушбу масала юзаси-дан тегишли қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг “Адолат” СДП Сиёсий Кенгашининг VI Пленумини ўтказиш тўғрисида Ижроия қўмита раиси ўрин-босари Равшан Хайдаров маъруза қилди. Маърузада айтилганидек, Пле-нумнинг асосий мавзуси мустақам, изчил ишлаб чиқилган, стратегик ва тактик мақсадларга хизмат қиладиган партиянинг сиёсий мафқурасини шакл-лантиришдан иборат. Таъдбирда, шунинг-дек, Пленумнинг ташкилий жиҳатларига ҳам эътибор қаратилди.

Дилором Тошмуҳамедова “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши қўшида Эксперт-лар гуруҳини ташкил этиш ташаббуси билан чиқди.

Хўш, бунга зарурат борми? Умума,

маъруза гуруҳининг мақсад ва вазифа-лари нимага асосланган?

— Бу партия фаолиятида янги йўналиш, — деди Д.Тошмуҳамедова. — Ўтган давр мобайнидаги фаоли-ятимизга назар ташласак, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш-га алоҳида эътибор қаратдик. Шу асосда жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни қўтариши-имон қадар эришмоқдамиз. Лекин бу каби ўзгаришлар, янгиликлар жиддий таҳлил этилаётгани йўқ. Шундан келиб чиққан ҳолда партия томонидан олиб борилаётган турли йўналишлардаги ишларни ўзаро му-вофиқлаштирадиган Экспертлар гу-руҳини ташкил этиш вақти ҳам кел-ди. Уйлашганимиз, улар муваффақият-ли иш олиб бурса, ечимни қўлаб-қўлаб айтириш билан ҳам бўлади. Бунда асосан унга муҳим жиҳат-га эътибор берилди. Яъни, соғлиқ-ни сақлаш, аёллар (уларнинг эркак-лар билан жамиятда тенг ҳуқуқли-лигини таъминлаш) ҳамда иқтисо-

дий тармоқлари танлаб олиниб, олимлар, ёш мутахассислар жалб этиш қўзда тутилди.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг янги расмий нишон (эмблемаси) турти-сида Сиёсий Кенгаш Марказий аппа-рати Мафқура, ички ва ташқи алоқа-лар бўлими мудир С. ал-Орифжўжа маърузаси тингланди.

Ҳар бир муҳокама этилаётган эмб-лема лойиҳаси (эскизи) бир неча шар-тлар асосида таҳлил этилиб, тақдим этилиши лозим. Хусусан, сиёсий ҳа-толардан ҳолилик, партия мафқурасини акс этиши, бутунжаҳон социал-демок-ратияси аънавларида содиқлик, ички фалсафаси ва пурманоликка эгалик даражаси ва бошқа бир неча муҳим жиҳатлари қамраб олиниши лозим.

Тақдим этилган эмблема лойиҳаси, мутахассислар томонидан қўриб чи-қилди. Бу борада айрим тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Иштирок-чилар лойиҳага қўшимчалар киритиш лозимлигини таъкидлашди.

Ўза муҳбири

Фракция йиғилиши

МУҲОКАМАДА — ЛОЙИҲАДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбеки-стон “Адолат” социал-демократик партияси фрак-циясининг наватдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда қатор қонун лойиҳалари муҳокама этилди. «Абзорлаштириш ва маълумотларни узати-ш соҳасида содир этилган қонунга хилоф ҳара-катлар учун жавобгарлигининг қучайтирилиши му-носабати билан Ўзбекистон Республикасининг ай-рим қонун ҳужжатларига ўзгариш киритиш тўғ-рисида»ги қонун лойиҳаси шулар жумласидан. Маъ-зур ҳужжат юзасидан фракция аъзолари томонидан қатор тақлифлар, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Йиғилишда таъкидлаганимиздек, юртимизда ахбор-от технологияларини ривожлантиришга катта эъти-бор берилганда, қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, соҳани юксалтиришда муҳофаза вазифа-сини бажаради. Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда киритилиши таъкидланди.

Шундан сўнг «Бутунжаҳон почта иттифоқи Устави-га Еттинчи қўшимча баённомани (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь)» ратификация қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан қўни палатанинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Ёлур-медов маърузаси тингланди.

Почта алоқаси бутун кундалик ҳаётнинг ажралмас қисмига айланган. 1874 йили ташкил топган Бутунжа-ҳон почта иттифоқи БМТнинг почта хизмати ишлари-ни бошқарувчи махсус агентлиги саналади. Ҳозирги вақтда 700 минг почта бўлимида БПН устави, конвенцияси ва қелишувларига мувофиқ ички ва халқ-ро почта хизматлари кўрсатишмоқда. Мамлақати-мизда эса иқтисодий ўтиш даврида почта алоқаси тармоқлари бирлиги ва бошқариш тизими сақлаб қолинди. Бу борада тегишли халқаро меъёрий ҳуж-жатлар муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир. Шу боис йиғилиш қатнашчилари ушбу қонун лойиҳа-си қабул қилиниши қўлаб-қўватлаш жуда муҳим-лиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Йиғилиш қўни тартибидан ўрин олган “Нодавлат ноти-жорат ташкилотлар фаолиятларининг қафоллари турти-сида”ги қонун лойиҳаси ҳам қўни муҳокама қилинди. Таъкидлаганимиз, маъзур лойиҳа 2005 йил декабр ойида биринчи ўқишда киритилган эди. Ўтган вақт мобайни-да ҳужжатда нодавлат нотижорат ташкилотларни, фаолиятини жонлантириш каби жиҳатларга катта эътибор қаратилди. Хусусан, сиёсий партиялар, манфатдор ташкилот ва қорхоналар мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари, тақ-лифлари атрофидан ўрганиб чиқилди. Натижада қонун лойиҳасида нодавлат нотижорат ташкилотларини таъри-қонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилиш, молиявий қўлаб-қўватлаш каби жиҳатлар жой олди.

Қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда киритилиши таъ-кидланди. Йиғилишда, шунингдек, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдоси ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ҳам иккинчи ўқишда киритилиши иштирокчилар томо-нидан маълумланди.

Фракция йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ МУНОСАБАТИ
БИЛАН МАМЛАКАТИМИЗ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА
АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРДАН
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ёш авлодин она юртга муҳаббат, истиқлол гоёла-рига садоқат, миллий ва умум-башарий қадриятлар уйғунлиги руҳида ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб вояга етказиш, уларга фан асосларини ҳамда замонавий касб-хунарларни ўргатишдаги жонқурлиги, таъ-лим-тарбия соҳасидаги қўни йил-лик самарали меҳнати ва жамо-ат ишларидаги фаол иштироки учун қўнидаги фахрий ун-вонлар берилсин:

“Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси”
Игиснона Пория Айтхо-жаевна - Томди туманидаги 21-ихтисослашган мактабнинг география фани ўқитувчиси, Навоий вилояти

Турдалиев Сирожиддин - Кува туманидаги 42-мактаб-нинг математика фани ўқитув-чиси, Фарғона вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими”
Аслиев Насриддин - Оқдарё туманидаги 6-мактаб-нинг кимё фани ўқитувчиси, Самарқанд вилояти

Хўжамбердиев Мамаюсуф Бозорович - Денов туманидаги

81-мактабнинг математика фани ўқитувчиси, Сурхондарё вилояти

Эргашев Искандарбек Обидович - Хўжабод туманидаги 23-ихтисослашган мактабнинг физика фани ўқитувчиси, Андижон вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи”
Бекмуродова Гулнора Хожиевна - Мирзобод туманидаги 4-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси, Сирдарё вилояти

Бекчанова Бекпошша Худайбергеновна - Урганч шаҳ-ридаги 1-мактабнинг матема-тика фани ўқитувчиси, Хо-разм вилояти

Исомиддинова Дилором-хон Ёқубжоновна - Янгиқўр-ғон туманидаги 10-мактаб-нинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси, Наманган вилояти

Курбанбаева Оразгуль Карлибаевна - Чимбой туманидаги 7-мактабнинг матема-тика фани ўқитувчиси, Қора-қалпоғистон Республикаси

Маматқулова Раҳбар - Жиз-зах туманидаги 28-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Сатторов Тоштемир - 5-

меҳрибонлик уйи директори, Қашқадарё вилояти

Хайдарова Бусаодат Ну-ралиевна - Охангарон туманидаги 40-мактабнинг немис тили фани ўқитувчиси, Тош-кент вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози”
Нуриддин Анвар Аҳмадалиевич - Собир Ра-ҳимов туманидаги 10-боло-лар ва ўсмирлар спорт макта-бининг акробатика бўйича му-раббийи, Тошкент шаҳри

Шарипов Иброҳим Исмо-илович - Бухоро шаҳридаги 3-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини такомил-лаштириш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга ошириш, халқимизнинг мада-нияти ва маънавиятини юксал-тириш, ёш авлодин ватанпар-варлик ва миллий истиқлол гоёларига садоқат руҳида тар-биялаш орқали Ватанимиз му-стақиллиги, юртимиздаги тин-члик ва барқарорликни мус-таҳкамлаш ишга қўшган му-носиб ҳиссаси, қўни йиллик фи-додорона хизматлари учун қў-нидаги мукофотларни:

(Давоми 2-бетда)

АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Тошкентда Алоқа соҳасидаги мин-тақавий ҳамдўстлик ҳузуридаги Ах-борот хавфсизлиги бўйича комиссия-нинг наватдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Озарбойжон, Ар-манистон, Молдова, Қозғистон, Қир-ғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўк-раина ахборот маъмуриятидан ва-киллар иштирок этди.

Ахборот хавфсизлиги бўйича ко-миссия раиси Сержиу Ситник таъ-кидлаганимиз, жаҳонда ахборот ко-ммуникациялари шиддат билан ри-вожланмоқда. Шу билан бирга, ах-борот хавфсизлигини таъминлаш ҳам қўни сайин муҳим аҳамият касб эти-б борапти. Чунки, глобаллашув жараё-ни жадаллашаётган шароитда дунё ягона ахборот макониға айланиб, ахборотнинг ўзи инсониятнинг ни-ҳонда муҳим ва чексиз ресурси бўлиб қолаётир.

Комиссия мажлисида ахборот хав-фсизлигини таъминлашда ахборот маконида миллий манфаатларни

ҳимоя қилиш бўйича умумий давлат сиёсатини шакллантириш, бу бора-даги ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, ахборот коммуникациялари саноати-ни ривожлантириш муҳим экани қайд этилди.

Ҳозирги кунда “ахборот хавфсиз-лиги” тушунчасини нафақат ахборот технологиялари соҳасидаги мутахас-сислар, балки давлат ҳокимиятининг барча бўғинлари, иқтисодчи, сиёсат-чи ва ишбилармон доиралар вакил-лари ҳам кенг қўллаб бoшладилар.

Мажлисида ахборот хавфсизлиги-ни таъминлаш дастури ва уни амал-га ошириш борасидаги тақлифлар, Ахборот соҳасидаги минтақавий ҳам-дўстликнинг иш тартибига оид ҳуж-жатларни ишлаб чиқиш режасининг лойиҳаси, МДХ мамлакатларида ах-борот хавфсизлиги соҳасидаги иш-ларнинг аҳоли ва бу борадаги ваки-ллар муаммолар қўриб чиқилди.

Шунингдек, мажлис қатнашчилари МДХ мамлакатларида давлат

ҳокимияти органларида электрон рақамли имзони жорий қилиш билан боғлиқ муаммолар масалалар юзасидан фикр алмашдилар. Элект-рон ҳужжатни жўнатишда электрон рақамли имзо жуда муҳим аҳамият-га эга. Аммо МДХ аъзоларида бун-нинг механизми турлича бўлиб, бири иккинчисига тўғри келмапти. Ахборот соҳасидаги минтақавий ҳам-дўстликка аъзо МДХ мамлакатлари-нинг мувофиқлаштирувчи кенгаши шундай муаммоларни ҳал этиш мақ-садида тузилган.

Комиссия мажлисида Мувофиқ-лаштирувчи кенгаш иштирокчилари-нинг халқаро таърибда ҳамда замона-вий техника ва ахборот техноло-гиялари асосида ахборот хавфсиз-лиги соҳасидаги ўзаро ҳамкорлиги-ни ривожлантиришда доир масала-лар муҳокама этилиб, тегишли та-всиялар ишлаб чиқилди.

Фазлиддин АРЗНЕВ,
Ўза муҳбири

